

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРСЛАРИНИ ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРИ АСОСИДА ЎҚИТИШНИНГ ИЛМИЙ- ДИДАКТИК АСОСЛАРИ

G. Xudaynazarova – Sport va xarakatli o'yinlar kafedrasida dotsent.

Мустақил Ўзбекистоннинг раванқ топиши ва тараққиёти йўлида катта иқтисодий-ижтимоий тўсиқлардан муваффақиятли ўтиши ҳамда кўзланган натижаларга эришиши нафақат ёш авлоднинг интеллектуал салоҳияти, балки саломатлиги ва жисмоний баркамоллигига ҳам бевосита боғлиқ. Таъкидлаш жоизки, инсон саломатлиги, серғайратлиги, жисмоний камолотга эришишини унинг турмуш тарзи, меҳнат ва уй-рўзғор фаолияти таъминлайди. Шунингдек, ҳар бир халқнинг ўз тарихий, маданий, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётига хос, ўша халқ томонидан кашф этилган миллий ўйинлар, сайллар, урф-одатлар ва спорт турлари ҳам бу борадаги етакчи омиллардандур.

Ҳозирги тезкор ахборот асрида таълим олувчиларнинг жисмоний саломатлигини мустаҳкамлаш ва қўллаб-қувватлашнинг анъанавий ва инновацион шакллари жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, “Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, қизларни спортга жалб қилишнинг манзилли чораларини қўллаш, ёшлар ўртасида миллий спорт турларини кенг тарғиб қилиш”¹⁶ вазифалари жисмоний тарбия таълимини инновацион ёндашувлар асосида ташкиллаштириш ва лойиҳалаштириш вазифаларини кўндаланг қўяди.

Замонавий жисмоний тарбия таълими самарадорлиги инновацион жараёнларнинг ривожланиш даражаси билан белгиланади. Бу жисмоний тарбияга оид янги билимларни эгаллаш, уларни амалиётга татбиқ этишни талаб этади. Аксарият мамлакатлар тажрибаси шунини кўрсатмоқдаки, жисмоний тарбия таълимини ривожлантириш самарадорлигини оширишнинг муҳим воситаси кластер усулидан фаол фойдаланишдир.

Замонавий жисмоний тарбия таълими учун сифат ва самарадорликни таъминлаш механизми таълим субъектларининг ўзаро таъсирини тақозо этиб, бу жараён ҳамкорликни кластер асосида амалга оширишни тақозо этади. Таълимини педагогик таълим кластери асосида ташкил қилиш муаммоси бўйича хориж тажрибаларининг тизимли таҳлили республикамизда жисмоний тарбия соҳасини ривожлантириш истиқболларини белгилашга ҳам хизмат

¹⁶ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "2017–2021-yillarda O'zbekistonni rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi PF-4947-son PF-4947-son farmoni. // O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari to'plami. 2017-y. 6-son, 70-modda.

Sport o'yinlari (futbol, voleybol, basketbol, gandbol)ni rivojlantirish va mashg'ulotlarni takomillashtirishning dolzarb muammolari

қилади.

Европа ва АҚШда ўтган асрнинг 20–30-йилларида университетларни ташкилий бирлаштириш орқали маъмурий ҳаражатларни тежаш, миллий тажрибалар ва иш фаолиятини яхшилаш бўйича халқаро рейтингларда янги субъектлар шаклланишига олиб келган. Кластер ёндашувга асосланган таълим Европада 1990 йилларда кластерлар назариясини экстраполяция қилиш ва ривожлантириш натижасида М.Портер томонидан ишлаб чиқилган.

М.Портер томонидан кластер тушунчасига берилган таърифга кўра, бу географик жиҳатдан бир-бирига боғланган компаниялар (етказиб берувчилар, ишлаб чиқарувчилар, воситачилар) ва тегишли ташкилотлар (таълим муассасалари, давлат идоралари, бошқарув, инфратузилмани белгиловчи компаниялар), маълум бир ҳудудда фаолият юритувчи ва бир-бирини тўлдирадиган компаниялар гуруҳидир¹⁷. У кластерларни сунъий равишда юқоридан яратишни эмас, балки уларни реал ҳаётда кашф қилишни, давлат идоралари ва илмий-тадқиқот институтлари томонидан амалга ошириш тизимини таклиф қилади.

Ҳудудий кластерларни ривожлантиришнинг М.Энрайт томонидан ишлаб чиқилган концепциясида. Кластер ўзаро боғланган фирмаларнинг географик жиҳатдан аниқланган агломерацияси сифатида таърифланган¹⁸.

Америкалик иқтисодчи С.Розенфельднинг фикрига кўра, минтақавий кластерни шакллантириш учун тегишли фирмалар массасининг ҳудудий концентрацияси етарли эмас. Бизнес учун фаол каналлар, битимлар, мулоқот ва алоқалар бўлиши керак¹⁹.

Кичик ва ўрта корхоналар ривожланишини мониторинг қилиш бўйича Европа комиссияси экспертлари томонидан турли хил кластерлар таҳлил қилинганидан сўнг тадқиқотлар орқали М.Сторпер томонидан олти босқични ўз ичига олган “идеал” минтақавий кластерни ривожлантиришнинг куйидагича схемаси ишлаб чиқилган.

- маҳаллий ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларига асосланган етакчи компанияларни шакллантириш, шу асосда ихтисослашган меҳнат бозори ва етказиб берувчилар тизимини яратиш;
- кластерда фаолият юритаётган компанияларни қўллаб-қувватлаш, янги ташкилотларни шакллантиришни таъминлаш;

¹⁷ Портер М. Конкуренция: пер. с англ. – М.: Вильямс, 2006. – Р. 20.

¹⁸ **Enright M.J. Why Clusters are the Way to Win the Game? // Word Link. 1992. – № 5. – Р. 24–25.**

¹⁹ Rosenfeld S.A. Bringing Business Clusters into the Mainstream of Economic Development European Planning Studies. 1997. – № 5. – Р. 3–23.

Sport o'yinlari (futbol, voleybol, basketbol, gandbol)ni rivojlantirish va mashg'ulotlarni takomillashtirishning dolzarb muammolari

- кластерга маҳаллий ва хорижий фирмаларни жалб қилиш;
- юқори малакали ишчилардан янги кластер фирмаларини ташкил этишда унумли фойдаланиш;
- ахборот ва яширин активларни яратиш тизимини рағбатлантириш;
- кластер қисқаришининг мумкин бўлган даври, инновацион қобилиятининг тугаши туфайли потенциал ва ташқи инновацияларга ёпиқлик²⁰.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида кластерлар яратиш тажрибасининг тизимли таҳлилларидан уларда кластер ёндашувдан фойдаланиш асосий ўринни эгаллаши маълум бўлади. Жумладан, Россияда ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий-педагогик механизмлар орқали таълим, фан, бизнес ва ишлаб чиқаришни бирлаштирадиган ҳудудий инновацион таълим кластерларини яратиш йўлга қўйилган.

Бирлашган таълим кластерлари моделларининг типологик тавсифлари М.Ю.Барюшников, И.И.Чиннова, А.В.Симоновлар томонидан таклиф этилган. В.Овсиенко, И.В.Зиминова, Н.Н.Клинсовалар узлуксиз таълим тизимидаги ҳамкорликни ижтимоий доирадаги энг истикболли тармоқ сифатида баҳолаганлар. Бундай кластер эса, маълум маънода концерн, консорсиум ва корпорация каби шаклларга ташкилий жиҳатдан ўхшайди.

Н.А.Шарай, Л.Н.Николаева, Т.В.Вдовина каби тадқиқотчилар томонидан инновацион педагогик кластерга таълим ресурсларини ташкил этишга қаратилган интеграциялашган тизим сифатида қаралади. Интеграция тизимини яратиш тажрибаси В.Л.Чудов ва Л.М.Перминовалар томонидан умумтаълим мактаблари, лицейлар, олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш сифатини барқарор ривожлантириш шароитларидан келиб чиққан ҳолда умумлаштирилган.

В.А.Болотов кластерни иқтисодий жиҳатдан фойдали деб ҳисоблайди. Кетма-кетликдаги узлуксиз таълим даражалари – мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, лицей ва коллеж ўқитувчиларига мактабда профил дарсларини ўтиш имконини беради.

Таълим кластерлари болаларга кичик ёшдан ривожланиш векторини топиш ва юқори синфлардан бошлаб келгусидаги мутахассислиги сферасида маълум кўникмаларни шакллантиришга ёрдам беради. Бизнингча, педагогик инновацион таълим кластери фаолияти таълим тизимида меҳнат бозори эҳтиёжларини қондириш, истеъмолчи олдида ўқитувчиларнинг ҳудудий тайёргарлигини тақсимлашга хизмат қилади.

²⁰ Storper M. The regional World: Territorial Development in Global Economy. N.Y.; Guilford Press, 1997. – P. 20.

Sport o'yinlari (futbol, voleybol, basketbol, gandbol)ni rivojlantirish va mashg'ulotlarni takomillashtirishning dolzarb muammolari

Қозоғистонда фаолият юритадиган индикатив – узлуксиз ишлаш имконини берувчи инновацион таълим кластери тажриблари оммалашган бўлиб, бу ўқувчиларга келажакдаги касбий фаолияти соҳаси мазмунини мақсадли танлаш механизмининг самарадорлигини кўрсатади.

Украинада амал қилинадиган кластер сиёсати замонавий таълим технологияларини шакллантириш тизимини ўз ичига олади. Мамлакат ўз олдида ривожланган давлатларнинг илмий ва таълим кластери тажрибаларини жорий этишни мақсад қилиб қўйган. Украина таълим тизими узлуксиз таълим соҳасини самарали ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва амалга оширишда кенг доирадаги ҳамкорликка таянади.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида 2026 йилгача бўлган даврда фан ва инновацияларни ривожлантириш йўналишлари бўйича инновацион кластерлар – кўп томонлама шартномалар асосида университетлар, илмий ташкилотлар, корхоналар, инновацияларни бирлаштирувчи компаниялар яратиш масаласи белгиланган. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасидаги кластер сиёсатини самарали амалга оширишни тартибга солиш функцияси давлатга тегишли бўлиб, маъмурий воситалардан фойдаланиш имконини беради. Бу, ўз навбатида, бутун жисмоний тарбия таълимининг кластер салоҳиятини оширади.

Foydalangan adabiyotlar:

1. Madina, Ahmadjonova, Usmonova Zebo, and Xudoynazarova Gullola. "Harakatli o'yin orqali boshlang'ich sinf o'quvchilarida harakat sifatlarini takomillashtirish." Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi 1.2 (2023): 618-622.
2. Mirxojidinovna, Xudaynazarova Gullola. "JISMONIY TARBIYA DARSLARINI PEDAGOGIK TA'LIM INNOVATSION KLASTERI ASOSIDA O'QITISH METODIKASI (Umumiy o'rta ta'lim maktablari misolida)." Proceedings of International Conference on Scientific Research in Natural and Social Sciences. Vol. 2. No. 11. 2023.
3. Ravshan ogli, Tolibjonov Sardorbek. "HARAKATLI O'YIN ORQALI BOSHLANG'ICH SINFI O'QUVCHILARIDA HARAKAT SIFATLARINI RIVOJLANTIRISH." Journal of new century innovations 38.2 (2023): 138-141.
4. Ravshan o'g'li, Tolibjonov Sardorbek, and Xudoynazarova Gullola Mirxojidinovna. "HARAKATLI O'YINLAR HAMDA ULARNI TASHKIL QILISH." ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ 23.5 (2023): 24-27.

Sport o'yinlari (futbol, voleybol, basketbol, gandbol)ni rivojlantirish
va mashg'ulotlarni takomillashtirishning dolzarb muammolari

5. Ravshan o'g'li, Tolibjonov Sardorbek, and Xudoynazarova Gullola Mirxojidinovna. "BASKETBOL O'YINI TARIXI HAMDA O'YIN TAKTIKASI." ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ 23.5 (2023): 28-32.
6. Mirxojidinovna, Xudoynazarova Gullola, Axmadjonov Abduraxmon, and Tolibjonov Sardorbek Ravshan o'g'li. "PHYSICAL EDUCATION CLASSES AND THEIR TEACHING PRINSPI." Galaxy International Interdisciplinary Research Journal 11.5 (2023): 604-607.
7. Ravshan o'g'li, Tolibjonov Sardorbek, and Xudoynazarova Gullola Mirxojidinovna. "O'RTA MASOFAGA YUGURUVCHILARNING TEXNIK TAKTIK TAYYORGARLIGINI NAZORAT QILISH." ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ 23.5 (2023): 33-36.
8. Mirxojidinovna, Xudoynazarova Gullola, Axmadjonov Abduraxmon, and Tolibjonov Sardorbek Ravshan o'g'li. "PHYSICAL EDUCATION CLASSES AND THEIR TEACHING PRINSPI." Galaxy International Interdisciplinary Research Journal 11.5 (2023): 604-607.
9. Худойназарова, Г. М. "ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ НА УРОКАХ ФИЗКУЛЬТУРЫ (НА ПРИМЕРЕ ШКОЛЫ)." Экономика и социум 4-2 (107) (2023): 783-786.
10. Mirxojitdinovna, Xudoynazarova Gullola. "WAYS TO DEVELOP DIGITAL MARKETING IN THE FIELD OF PHYSICAL EDUCATION AND SPORTS IN UZBEKISTAN." ASIA PACIFIC JOURNAL OF MARKETING & MANAGEMENT REVIEW ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603 11.12 (2022): 113-116.
11. Mirxojitdinovna, Xudoynazarova Gullola. "METHODOLOGY FOR THE USE OF INFORMATION COMMUNICATION TECHNOLOGIES IN THE DISCIPLINE OF PHYSICAL EDUCATION." INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 11.09 (2022): 189-191.